

Янги Ўзбекистоннинг Конституцияси – эркин ва фаровон ҳаёт гарови



Жорий йил мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами «Конституция - инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!» деган бош ғоя асосида нишонланмоқда.

Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида изчил давом этаётган стратегик ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ва бу борада самарали натижаларга эришишда янгиланган Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Инсон қадри – янги таҳрирдаги Конституциянинг бош ғоясидир

Юртимизда барча ислохотлар “Инсон қадри учун” деган тамойил асосида амалга оширилмоқда. Бугунги Ўзбекистонда энг улуғ ғоя — инсон қадрини юксалтиришдир. Бу сўзлар шиор эмас, балки Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган, кундалик ҳаётимизда намоён бўлаётган ҳақиқатдир.

Сўнгги йилларда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимиз Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланган. Давлатимиз Раҳбари 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда Олий қомусимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни мустаҳкамлаш ғоясини илгари сурган эди.

Ўз навбатида, давлатимиз Раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу

Ҳозирги янада мустақамланиб, ижтимоий давлатни барпо этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди.

Ўзбекистондаги стратегик ислохотлар “Инсон қадри учун” деган тамойил асосида амалга оширилиши, ижтимоий адолатни таъминлаш, эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали ҳақиқий ижтимоий давлат барпо этиш йўлидаги мамлакатимизнинг қатъий позицияси энг аввало, Янги Ўзбекистон Конституциясида мустақамлаб қўйилган.

Ижтимоий давлат – бу ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Бундай модель ҳозирги вақтда дунёнинг бар қатор етакчи ривожланган давлатларида, хусусан, Европа мамлакатларида, АҚШ ва Японияда давлатнинг ижтимоий мақоми сифатида Конституциялар даражасида мустақамланган.

Мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми янгиланган Асосий қонунимизга илк бора киритилди ҳамда амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бугунги кунда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган янгича сиёсат ижтимоий давлатнинг туб замини яратилаётганидан далолат беради. Давлат бюджети маблағларининг эллик фоиздан ортиғи ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётгани ҳам буни яққол исботлайди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми расман эълон қилиниб, давлатнинг ҳар бир фуқаросига ғамхўрлик қилиш мажбурияти қонуний асосга эга бўлгани ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва унинг самарадорлигини оширишга имконият яратди. Юртимизда ижтимоий ҳимоя борасида шаклланиб бораётган янгича ёндашув ва тизим жамиятнинг қўйи ижтимоий бўғини бўлган маҳалладан бошлаб, ҳар бир хонадон ва оилани қамраб олди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг янги тараққиёт босқичида, адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда:

- инсон капиталини янада ривожлантириш, шу мақсадда таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш;
- янги уй-жойлар қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергияси билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ногиронлиги бўлган шахсларни “истеъмол саватчаси” таърифи асосида манзилли қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб бориш ҳамда ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш.

Бу борада қатор ижобий ташаббуслар амалга оширилди. Айнан ижтимоий соҳани ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш масалалари ҳар йили қабул қилинаётган қонунлар ва Давлат дастурларида устувор вазифалар сифатида белгиланмоқда.

Биринчидан, янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадрини янада улуғлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг конституциявий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилди. Хусусан, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Иккинчидан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. Бу ҳақда гап кетганда, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар

дафтари”ни, уларга киритилган фуқаролар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, биргина 2024 йилда Ўзбекистонда «Ёшлар дафтари» орқали 180 минг нафар ёшларга 345 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида ишсиз ёшлар 2 карра камайиб, ишсизликдан холи маҳаллалар сони 1 минг 889 тага етди.

Учинчидан, ислохотлар жамиятнинг энг қуйи бўғинигача туширилиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилди. Бунинг натижасида юртимиздаги мавжуд 9008 та маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадини ошириш учун масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етказиб бериш, хотин-қизлар фаоли каби лавозимлар жорий этилди.

Маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар йўналтирилмоқда.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда маҳалла институти ислох қилиниши, маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла қиёфаси замонавий кўринишга эга бўлди.

Тўртинчидан, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими яратилди. Бу борада, ижтимоий ёрдамнинг аниқ, мақсадли ва манзиллилигини таъминлашга қаратилган янгича ёндашув ва механизмлар жорий қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Конституциямизда мустақамланган “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилини асосида ижтимоий хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида барча ҳудудларда “Инсон” марказлари” очилиб, 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллаларнинг ўзида кўратиш йўлга қўйилди.

Биргина рақамларга эътибор қаратидиган бўлсак, 2016 йилда ижтимоий ҳимояга бюджетдан 2 триллион сўм сарфланган бўлса,

2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 9,8 баробар ошиб, 20,3 триллион сўмга етди. Бунинг натижасида, 2 миллиондан ортиқ оила ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамраб олинди. Аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида охириги 2 йилда 47 та қонунчилик ҳужжати, жумладан, 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та фармони ва 12 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 26 та қарори қабул қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича янги тизим ҳамда зарур ҳуқуқий асослар яратилганини ва мамлакатда камбағаллик муаммоси илк бор тан олинди, амалга оширилган ислохотлар натижасида охириги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришилганини эътироф этиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш борасида эришилган ижобий натижалар давлатнинг барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт ва имкониятларни таъминлашга

эришиш йўлидаги қатъиятидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши кураш йўлидаги ижобий натижалари халқаро мутахассислар томонидан ҳам тан олинмоқда. Хусусан, Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Абхижит Банержи ушбу жараёни шарҳлар экан: “Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашга бўлган ёндашувининг асосий жиҳати – унинг юқори манзиллилиги ва индивидуал хусусиятини” алоҳида таъкидлаб, “Ўзбекистонда маҳаллабай ишлаш тизими ҳар бир муҳтож оилани камбағалликдан чиқаришнинг ўзига хос рецептига эга” эканлигини қайд этди.

Оксфорд камбағалликка қарши курашиш ва инсон капитални ривожлантириш ташаббуси (ORNI) директори Сабина Алькайрнинг қуйидаги фикрлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ: “Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ вазият ҳақида гапирадиган бўлсак – биз вазифаси камбағалликни қисқартиришдан иборат бўлган одамларни бугунданоқ табриклашимиз мумкин – улар бунинг уддасидан чиқиб, одамлар ҳаётини ўзгартиришга эришдилар”.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиёти 2 карра ўсгани, жорий йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етиши бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳадаги мақсадларга эришиш учун еттига устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширмоқда. Бу борадаги провард мақсад – камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Шу мақсадда, фаол инвестиция сиёсати туфайли жорий йилнинг ўзида 35 миллиард доллар сармоя эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни ташкил этилмоқда.

Қулай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор ўзининг барқарор бизнесига эга бўлди. Давлат томонидан бизнесга қулай шароит яратиб берилиши натижасида, тадбиркорлар ҳам ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Мана шундай самарали ҳамкорлик туфайли шу йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишли бўлди.

Мамлакатимиз келгуси йилларда ҳам камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича ҳам катта мақсадларни ўз олдига қўймоқда. Хусусан, келгуси йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан камайтириш, бунинг учун 2026 йилда иқтисодиётга 450 триллион сўм кредит ажратилиши, 140 триллион сўми маҳалладаги кичик ва ўрта лойиҳалар учун берилиши белгиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғоясининг асосий мақсади – ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларини амалга ошириш, шунингдек, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароитини яратишдир. Бу йўлда давлат ижтимоий нотекисликни камайтириш ва эҳтиёжманд қатламларни самарали қўллаб-қувватлашга интилмоқда ҳамда бу борада ижобий натижаларга эришмоқда.

Зикиров Турсунбой,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар
институти бўлим бошлиғи*